



МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШИ МАРОМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

PhD, доц. Шарипов Кувондик

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-2899-4106

k.b.sharipov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодиёт тармоқлари, тармоқ сиёсатининг мақсадлари, йўналишлари ва объектлари, кичик бизнес корхоналарини тармоқ бўйича ихтисослашуви жараёнларини тартибга солиш чора-тадбирлари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий эркинлик мезонлари, эркин иқтисодиёт асосида ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий эркинликни тавсифловчи кўрсаткичлар, тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятни ўзгартиришни давлат томонидан тартибга солиш механизми, “Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси” механизми ёритилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ихтисослашув, тармоқ, рақобат, бизнесни алмаштириш, инвестиция, самарадорлик.

ОБЕСПЕЧЕНИЯ РИТМИЧНОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ СТРУКТУРЫ МАЛОГО БИЗНЕСА В ОТРАСЛЯХ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

PhD, доц. Шарипов Кувондик

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье рассматриваются отрасли экономики, цели, направления и объекты отраслевой политики, меры по регулированию процессов отраслевой специализации предприятий малого бизнеса, критерии экономической либерализации и экономической свободы, показатели, характеризующие экономическую свободу в развивающихся странах на основе свободной экономики. Выделено изменение деловой активности предпринимателей механизмом государственного регулирования, механизм «Территория + отраслевая карта активности малого предпринимательства».

Ключевые слова: малый бизнес, специализация, сетевое взаимодействие, конкуренция, бизнес-замещение, инвестиции, эффективность.

ENSURING THE RHYTHMICAL FORMATION OF THE STRUCTURE OF SMALL BUSINESS IN INDUSTRIES OF THE COUNTRY'S ECONOMY

PhD, assoc. prof. Sharipov Kuvondik

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article examines sectors of the economy, goals, directions and objects of industry policy, measures to regulate the processes of industry specialization of small businesses, criteria for economic liberalization and economic freedom, indicators characterizing economic freedom in developing countries based on a free economy. The change in business activity of entrepreneurs by the mechanism of state regulation, the mechanism “Territory + industry map of small business activity” is highlighted.

Keywords: small business, specialization, networking, competition, business substitution, investment, efficiency.

Кириш.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан янада кенгроқ фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини тармоқ бўйича ихтисослашувини тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу жараёнларнинг бир маромда ва изчил амалга оширилиши ҳамда амалга оширилган таркибий силжишлар таъсири оқибатида мамлакат иқтисодиётида таркибий номутаносибликлар келиб чиқмаслиги учун давлат тармоқ сиёсатини самарали йўлга қўйиши лозим.

Тармоқ сиёсати – бу иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг хусусий бизнес билан биргаликда бошқариш, секторлар ўртасидаги молиявий ресурсларни тақсимлаш, тартибга солишнинг маъмурий, меъёрий ва молиявий дастакларидан фойдаланиш устидан назорат функцияларини бажаришга йўналтирилган давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг кичик тизими.

Тармоқ сиёсатининг мақсадлари қуйидаги мезон ва йўналишлардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин: 1) алоҳида тармоқ ёки фаолият тури; 2) тармоқнинг жаҳон, ички ва минтақа бозорларида тутган ўрни: а) ишлаб чиқариш ҳажми, улуши; б) маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги; 3) асбоб-ускуналарнинг эскириши; 4) маҳсулот ва хизматлар ассортименти; 5) тармоқ корхоналари самарадорлиги; 6) тармоқнинг ҳаётий цикли босқичи.

Шундай қилиб, таркибий сиёсатнинг мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин: 1) тармоқлар ҳолатини барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш; 2) тармоқнинг ўсишини таъминлаш; 3) модернизациялаш; 4) тармоқ маҳсулот ва хизматлари рақобатбардошлигини ошириш; 5) тармоқ корхоналарини қайта тузиш ва реструктуризациялаш; 6) тармоқ корхоналари самарадорлигини ошириш; 7) тармоқ ўсиш суръатларини секинлаштириш (ишлаб чиқариш ортиқчалиги, иқтисодиётнинг “қизиб кетиши” ҳолатида); 8) ишлаб чиқариш фаоллигини чеклаш (тармоқ ҳаётий циклининг тугалланиш босқичида, рақобат курашида мағлуб бўлганда).

Функционал жиҳатдан тармоқ сиёсати иқтисодий тизимнинг пул-кредит, солиқ-бюджет, валюта, антимонопол, инфратузилма, конъюнктура, инвестиция, ижтимоий, экологик ва бошқа бошқарувнинг бошқа кичик тизимлари томонидан қамраб олинмаган соҳаларига таъсир кўрсатади. Тармоқ сиёсатини амалга оширишда иқтисодиёт тузилмаси орқали мазкур йўналишларни такомиллаштириш рўй беради.

Тармоқ сиёсатининг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1) иқтисодий фаолият турлари; 2) тармоқлар; ҳудудий-тармоқ комплекслари, тармоқлараро комплекслар; 3) корхоналар.

Тармоқ сиёсатининг субъектлари бўлиб қуйидагилар майдонга тушади: 1) давлат; 2) тармоқ бизнеси; 3) илмий институтлар.

Адабиётлар шарҳи.

Райзберг, Лозовский, Стародубцевалар (1998) ихтисослашув тушунчасига фаолиятнинг тор доирадаги товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги сифатида ёндашиб, компания асосий фаолиятининг маҳсулот, товарлар ва хизматнинг тор доирасини ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги деб таъриф берганлар. Ю.Пиньковецкая кичик тадбиркорлик субъектлари учун хусусиятли бўлган асосий фаолият турларини кўриб чиқади. Таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорликнинг амал қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кичик корхона ва тадбиркорлар алоҳида фаолият турларига ихтисослашадилар. Хусусан, қайта ишловчи тармоқларда озиқ-овқат маҳсулотлари, металл буюмлар, ёғоч буюмлар, резина ва пластмасса буюмлари тайёрлаш, полиграфия фаолияти, шунингдек, тўқимачилик ва тикувчилик буюмлари бозорлари устуворлик қилади.

Давлатнинг тармоқ сиёсати минтақа иқтисодиётини ташкил этувчи тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим, унинг устувор вазифаси бўлиб минтақанинг бозор негизида ихтисослашган тармоқларидаги таркибий силжишларни сезиларли равишда жадаллаштириш ҳисобланади (Антонюк, Капкаева, 2010).

Турли иқтисодий тизимлар тармоқ тузилмасининг ихтисослашуви тармоқларнинг солиштирма салмоғи сингари кўрсаткичи орқали намоён бўлади. Айти пайтда вақт ўтиши билан иқтисодиётнинг тармоқ тузилмасида тармоқлар солиштирма салмоғининг ўзгариши тармоқларнинг таркибий силжишларидан дарак беради. Таркибий силжишнинг ўзгариш йўналиши нуқтаи назаридан ижобий ва салбий таркибий силжишлар фарқланади. Тармоқ таркибий силжишларини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг икки тизимдан фойдаланилади: 1) тармоқлар солиштирма салмоқлари ўртасидаги тафовутни намоён этувчи мутлақ кўрсаткичлар (солиштирма салмоқнинг “мутлақ” қўшимча ўсиши, “мутлақ” таркибий силжишларнинг чизиқли коэффиценти, “мутлақ” таркибий силжишларнинг квадратли коэффиценти); 2) тармоқлар солиштирма салмоқларининг нисбатини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлар (тармоқ солиштирма салмоғининг ўсиш ва қўшимча ўсиш суръатлари, нисбий таркибий силжишларнинг чизиқли коэффиценти, нисбий таркибий силжишларнинг квадратли коэффиценти) (Казинец, 1981).

Тадқиқот методологияси.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирда мамлакатимизда тармоқ ёки соҳа бошқарувининг барча идора ва вазирликлари ҳам ўзларининг аниқ ишлаб чиқилган тармоқ сиёсатларига эга эмас. Тўғри, давлат томонидан талаб қўйилган ҳолатларда етакчи тармоқларнинг муайян даврга мўлжалланган стратегиялари ишлаб чиқилган, бироқ бу жараён кўпроқ умумий мақсадни баён этиш тавсифида амалга оширилган.

Мамлакатимиздаги етакчи тармоқ ва соҳалар хўжалик фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, тармоқ сиёсатини ишлаб чиқишда ундаги хўжалик юритиш субъектларининг ўзаро изчил ва мувофиқлаштирилган яхлит тизим сифатидаги фаолиятлари назардан четда қолган. Масалан, қабул қилинган чора-тадбирлар кўпинча йирик ва давлат мулкидаги хўжалик субъектлари учун мўлжалланган. Кичик бизнес сектори эса камдан-кам ҳолатларда ушбу меъёрий ҳужжатларда назарда тутилади.

Шунга кўра, фикримизча, ҳар бир тармоқнинг мутассади бошқарув идораси ёки вазирлиги ўзининг бошқарувидаги тармоқ фаолиятини самарали ташкил этишда кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиши лозим. Энг биринчи навбатда, тармоқда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, бунинг учун етарли даражадаги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш, агар рақобат асоссиз равишда кескинлашув даражасига етса, у ҳолда тармоққа ортиқча “босим”ни чеклаш чораларини кўриши лозим.

Кичик бизнес корхоналарини тармоқ бўйича ихтисослашуви жараёнларини тартибга солиш қуйидаги чора-тадбирларни кўзда тутати:

- кичик бизнес фаолияти турини танлаш эркинлигини таъминлаш;
- тадбиркорлик капиталининг тармоқлараро ҳаракатининг эркинлигини таъминлаш;
- тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлаш;

- ҳар бир тармоқдаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда иқтисодий шарт-шароитларнинг тенглиги учун имконият яратиш;

- бозор механизмларининг тўғри ишламаслиги, субъектив сабабларга кўра иқтисодий ресурсларнинг ноўрин сарфланиши, хўжасизлик ва турғунлик ҳолатларининг келиб чиқишининг олдини олиш ва бартараф этиш ва бошқалар. Ушбу чора-тадбирларнинг ҳар бирига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Кичик бизнес фаолияти турини танлаш эркинлигини таъминлаш. Маълумки, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти турларини танлаш эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг “Тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги кафолатлари” 19-моддасида “Юридик шахс бўлмиш тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларини санаб ўтиш билан кифояланишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин” (Қонун, 2012) деб белгилаб қўйилган.

Бироқ, мазкур чора фақатгина ушбу ҳолатнинг меъёрий-ҳуқуқий манбаларда баён этиб қўйиш билан чекланмайди. Бунинг учун тадбиркорга реал шароит яратилиши керак. Яъни:

- тадбиркор имкон қадар ҳар бир тармоқ ёки иқтисодий фаолият турининг мазмун моҳияти, ундаги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун зарур бўладиган хомашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа зарур воситалар, уларнинг манбалари ва асосий таъминот каналлари, асосий иқтисодий ресурслар нархлари, маҳсулот (иш, хизмат) бирлигининг тахминий таннари, рентабеллик (фойда) даражасини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш имконига эга бўлиши лозим;

- ҳар бир иқтисодий фаолият тури бўйича етарли даражада аниқ, ишончли ва малакали маълумот ҳамда маслаҳат бериши мумкин бўлган консалтинг хизматларининг йўлга қўйилиши;

- тармоқ фаолиятидаги барча ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар таркибидан кичик бизнес субъектлари томонидан самарали амалга оширилиши мумкин бўлган қисмини типовой ҳисоб-китоблар асосида аниқлаш ҳамда тегишли регламентларни ишлаб чиқиш;

- алоҳида ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни амалга оширувчи кичик бизнес субъектлари ўртасида ўзаро кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш имкониятларини аниқлаш;

- тайёр бизнесларни ташкил этиш ва уларни турли шартлар асосида сотиш ва бошқалар.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий эркинлик мезонлари, улар мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Хусусий мулкчилик ва иқтисодиётда хусусий секторнинг устуворлиги. Бу бош мезон, чунки мулки йўқ субъект мустақил бўла олмайди, эркин фаолият юрғиза олмайди. Мулксизлик иқтисодий ташаббусни заифлаштиради ва иқтисодий хатти-ҳаракатлар чекланишига сабаб бўлади. Оқибатда иқтисодий фаоллик бўлмай, иқтисодий тушкунлик келиб чиқишига олиб келади. Мулкдор бўлиш эса мулк соҳибининг манфаатини юзага чиқаришга интилиш, иқтисодий фаолликни юзага келтиради. Мулккий мустақилликни индивидуал хусусий мулк билан чеклаб бўлмайди, чунки мулккий таркибнинг муҳим бўғини корпоратив хусусий мулк ҳам ҳисобланади. Хусусий сектор ўзгалар мулкни ижарага олиш асосида ҳам ривожланиши мумкин. Шу

боис, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси унинг ресурсларга эгалик қилишдаги ҳиссасидан юқори бўлади.

2. Иқтисодиётнинг монополлашув даражаси. Монополиялар бозор иқтисодиёти ривожининг табиий маҳсули, лекин уларнинг фаолияти эркинликни чеклайди. Монопол рақобат шароитида эркинлик камроқ чекланса, соф монополия шароитида чекланиш миқёси анча кенг бўлади. Монополлашув даражаси, монополияларни, жумладан, табиий монополияларнинг товар ва хизматлар яратиш ва уларни сотишдаги ҳиссаси белгилайди, аммо ҳиссанинг ўзи кифоя этмайди, чунки энг муҳими монополиянинг нарх белгилашга таъсир эта олишидир. Шу жиҳатдан қаралганда, эркинлик даражасини монопол ҳокимиятнинг нақадар тарқалганлиги орқали ҳам аниқлаш мумкин.

3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви мезони шундайки, бу иш бозор механизмининг эркин амал қилишига ҳалақит бермаслиги талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, эркинлик жиддий чекланади. Давлатнинг иқтисодиётдаги мавқеини икки омил тавсифлайди: биринчиси, давлат секторининг ЯИМни яратишдаги ҳиссаси, иккинчиси, давлат истеъмолининг ЯИМдаги ҳиссаси. Иккинчи кўрсаткич биринчисидан юқори бўлади. Давлат истеъмоли эркинликнинг якуний кўрсаткичи эмас, чунки у нисбатан юқори бўлгани ҳолда эркинлик кучли бўлиши мумкин ва буни давлатнинг ижтимоий вазифалари изоҳлаб беради.

4. Нарх-наво эркинлиги. Нарх – бозор механизмининг асосий воситаси. Унинг қандай шаклланишига қараб эркинликни тавсифлаш мумкин. Эркинлик талабига мукамал рақобатли бозордаги нархлар мос тушади, чунки улар эркин равишда ҳеч бир таъйиқсиз талаб ва таклифга қараб шаклланади. Монопол нархлар, жумладан, давлатнинг монополия нархлари бозор эркинлигини чеклайди. Аммо давлатнинг ҳар қандай харид нархлари эркинликка зид деб бўлмайди. Агар давлат нархи бозордаги талаб ва таклиф таъсирига берилиб шаклланса, у эркинликни чекламайди. Давлат нархлари монопол, айниқса, монополия нархи шаклига кирганда, эркинлик доираси тораяди.

5. Ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги. Бу иқтисодиёт субъектларининг эндоген муносабатлар қуришдаги мустақиллигини англатади. Эркин иқтисодий тизимда бу муносабатлар йўлидаги маъмурий тўсиқлар минимумга келтирилади, улар иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасида сақланиб қолади. Эркинликнинг мазкур жиҳатини лицензия ва квоталарнинг оз ёки кўплиги, божхона тўловларининг экспорт ва импортдаги ҳиссаси белгилайди.

6. Даромад топиш эркинлиги. Эркин иқтисодий тизимнинг белгиси – бу субъектлар (фирма, хўжалик, ташкилот ва бошқалар) учун қонуний йўл билан даромад топишдаги чекланишларнинг бўлмаслиги. Бу тизимда даромадларнинг юқори чегараси бўлмайди, бой бўлиш тақиқланмайди, аммо камбағалларнинг кўпайишига ҳам йўл берилмайди. Даромад топиш эркинлиги иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши кучли бўлишини ҳам таъминлаши керак.

Тадбиркорлик капиталининг тармоқлараро ҳаракатининг эркинлигини таъминлаш. Агар кичик бизнес эгаси маълум бир сабабга кўра муайян тармоқдаги ўз фаолиятини якунлаб, капиталини бошқа бир тармоққа ўтказишга қарор қилса – мазкур жараённинг минимал сарф-харажат ва вақт талаб қилишига эришиш лозим.

Одатда бир тармоқдаги капитални ликвид капиталга айлантириб олишга жуда кўп вақт кетади. Қандайдир сабабларга кўра, ўзининг бир фаолият туридаги бизнесини тўхтатиб, бошқа бир фаолият турида янги бизнес бошловчи жуда кўп тадбиркорлар шундай муаммога дуч келадилар.

1-жадвал

Эркин иқтисодиёт асосида ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий эркинликни тавсифловчи кўрсаткичлар¹⁷⁸

Т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичнинг тавсифи	Иқтисодиётнинг эркинлик даражасини изоҳловчи белгилар
1.	Ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши	Миқдор	80-90 фоиз
2.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва эркинлиги	Сифат	Мустақил эркинликлари кафолатланган
3.	Ички хўжалик муносабатлари ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор қоидаларига мослиги	Сифат	Бозор тамойилларига асосланади
4.	Тадбиркорлар томонидан нақд пул маблағларининг эркин тасарруф этилиши	Сифат	Эркин тасарруф этилади
5.	Тадбиркорлик фаолиятининг бозор инфратузилмалари билан таъминланганлиги	Сифат	Хизматлар тўлиқ таъминланади
6.	Ресурсларга эга бўлишда рақобатнинг амал қилиш даражаси	Сифат	Соғлом рақобат муҳити мавжуд
7.	Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесда банд бўлганлар улуши	Миқдор	65-70 фоиз
8.	Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг мамлакат экспортидаги улуши	Миқдор	40-50 фоиз
9.	Нархларнинг шаклланиши	Сифат	Нарх бозорда шаклланади ва бозор томонидан тартибга солинади
10.	Корхона ташкил этиш, фаолият турига рухсат бериш	Сифат	Жараён ўта соддалаштирилган
11.	Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш	Сифат	Молиялаш тизими барқарор ва кредит олиш механизми соддалаштирилган

Улар ўзларининг эски бизнес фаолиятларини аллақачон тўхтатиб қўйганлари, бироқ янгисини бошлаш учун маблағ йўқлиги мамлакат бўйлаб жуда катта миқдордаги тадбиркорлик капиталининг бўш туриб қолишига, янги фаолиятлар бошланишининг чўзилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми “8-§. Корхонани сотиш” деб номланиб, унда корхонани сотиш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар белгилаб берилган. Жумладан, “Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.


Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корхонани

¹⁷⁸ Собиржонов С. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги замон ёндашувлари. - <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/58204--iqtisodiyotni-erkinlashtirishning-hozirgi-zamon-yondashuvlari>

сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади”¹⁷⁹.

“Корхонани сотиш шартномаси имзолангунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, аудиторлик хулосасини, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият)лар рўйхатини тарафлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак. Номлари айтиб ўтилган ҳужжатларда кўрсатилган мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ... сотувчи томонидан сотиб олувчига топширилиши лозим”¹⁸⁰.

Бироқ, тадқиқотлар ва бизнес амалиётининг таҳлилига кўра, корхонани сотиш орқали тадбирорлик фаолияти турини ўзгартириш самарали амалга оширилиши учун давлат томонидан муайян чора-тадбирлар тақозо этилади. Шунга кўра, фикримизча, тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятни ўзгартиришни давлат томонидан тартибга солиш механизми ишлаб чиқирилиши лозим. Бу механизмни қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятни ўзгартиришни давлат томонидан тартибга солиш механизми¹⁸¹

Расмдан кўринадики, бизнес фаолият турини ўзгартиришнинг асосий шаклларида бири бизнесни сотиш орқали алмаштириш ҳисобланади. Мазкур жараённинг самарали амалга оширилиши учун қуйидаги чора-тадбирлар тақлиф этилади:

- томонларнинг бизнесни олди-сотди жараёнида ўзаро ишонч ҳосил қилишлари учун кафиллик институти фаолиятининг йўлга қўйилиши. Бунда корхонанинг олди-сотди жараёнидан кейин рўй бериши ёки аниқланиши мумкин бўлган зарар келтирувчи ҳолатларни қоплаш учун кафолат жамғармаси ташкил этилади. Олди-сотди жараёнида сотувчи томонидан олинган маблағнинг маълум қисми (бу риск даражасига қараб табақаланади) кафолат жамғармасига киритилиб, муайян муддат (масалан, 3 ойдан 6 ойга қадар), яъни янги мулк эгаси фаолиятни бошлаб, унинг ҳеч қандай камчиликсиз амалга оширилишига ишонч ҳосил қилгунга қадар сақланиб туради. Мабодо ушбу муддат давомида зарар келтирувчи ҳолатлар аниқлангудек бўлса, янги мулкдорнинг мурожаатини ўрганиш асосида, у ўринли бўлган ҳолатда зарар миқдори қоплаб

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. 8-§. Корхонани сотиш. -<https://www.lex.uz>

¹⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. 8-§. Корхонани сотиш. -<https://www.lex.uz>

¹⁸¹ Муаллиф ишланмаси

берилади. Акс ҳолда, муддат тугаши билан маблағ корхона сотувчисига қайтариб берилади;

- сотиш мўлжалланган бизнес фаолиятлари (корхоналар) банкини ташкил этиш. Маълумки, ҳар қандай корхона ҳам жуда тезлик билан сотилмайди, чунки бизнес фаолият олди-сотдиси жуда узоқ вақт талаб этувчи жараён ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик капиталининг ҳаракатсиз туриб қолишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, икки хил йўл тутилиши мумкин: 1) корxonани махсус жамғарма ҳисобидан сотиб олиш ва қайта сотиш учун бизнес фаолиятлари (корхоналар) банкига жойлаштириш; 2) корxonанинг тезроқ сотилишига кўмаклашиш мақсадида бизнес фаолиятлари (корхоналар) банкига жойлаштириш;

- номувофиқликларни тартибга солиш хизматини йўлга қўйиш. Корxonанинг олди-сотди жараёни ўта мураккаб ва турли номувофиқликлар (масалан, корхона-мол мулкининг маълум қисмининг сотилиши; айрим ваколат ва ҳуқуқларни ўзида сақлаб қолишга интилиш; муайян шартлар асосида сотиш ва ҳ.к.)га бойлиги сабабли, бундай жараёнларни тезлик билан ва оқилона тарзда мувофиқлаштиришга йўналтирилган хизматлар корxonаларнинг қисқа муддатда сотилишига ёрдам беради;

- бизнес фаолиятни бевосита сотиб олиш ва сотиш. Бу ҳар қандай товарнинг олди-сотдиси каби тижорат асосида амалга оширилади. Манфаатли бўлган ҳолатларда махсус жамғарма ҳисобидан корхона сотиб олинади ва харидорларга қайта сотилади.

Юқорида қайд этилган жараёнларнинг аксарият қисми тижорат тавсифига эга бўлганлиги сабабли, уларнинг барчаси Давлат активларини бошқариш қўмитаси билан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган тузилма томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, расмдан кўринадики, бизнес фаолият турини ўзгартириш шаклларида яна бири сифатида бизнесни ўзаро алмаштириш механизмининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда тадбиркор ўз бизнесини сотиб, унинг пулини олишни кутиб юрмасдан, балки ўзига маъқул тушган бошқа фаолиятдаги бизнес тури билан алмаштириши мумкин. Мазкур воситанинг қулай ва афзал жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бизнес фаолиятини ўзаро алмашишда пул маблағлари иштирок этишининг тақозо этилмаслиги;

- ўзаро келишган ҳолда иш фаолиятларининг давом этиши ва тўхтамаслиги;

- бизнес фаолиятини сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларнинг тежалиши ва ҳ.к.

Мазкур механизмни йўлга қўйиш учун қуйидаги қатор чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади:

- бизнесни ўзаро алмаштириш тартиби меъёрий-ҳуқуқий асосларининг ишлаб чиқилиши ва таъминланиши;

- бизнесни ўзаро алмаштириш жараёнига ихтисослашган инфратузилма тизимини йўлга қўйиш, жумладан: ўзаро алмаштирилиши мумкин бўлган бизнес фаолиятлари тўғрисида маълумотларни йиғиш, уларни тизимга солиш, мақбул вариантларни шакллантириш, талабгорларни қидириш ва бошқа шу каби ишларга ихтисослашган воситачилар хизматини йўлга қўйиш; алмашув жараёнларининг тенг қийматлилиги ва адолатлилигини таъминловчи бизнес баҳоловчилар; бизнесни ўзаро алмаштириш жараёнларини ҳуқуқий расмийлаштирувчи нотариус фаолияти; бизнесни ўзаро алмаштириш жараёни билан боғлиқ рискларни суғурталаш фаолияти ва бошқалар;

- бизнесни ўзаро алмаштириш жараёнлари ташкилий-институционал асосларининг таъминланиши. Жумладан: бизнесни алмашуви тўғрисида эълонлар бериш, уларнинг биржа савдоларини йўлга қўйиш, онлайн платформалар яратиш; экспертиза ва аудиторлик хулосалари тақдим этилишини ташкил этиш ва ҳ.к.

Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш лозимки, бизнес фаолиятини ўзаро алмаштириш – бу эҳтимоли жуда кам, тўсқинлик қилувчи омиллар нисбатан кўп учрайдиган жараён ҳисобланади. Шунга кўра, бизнес фаолият турини ўзгартиришнинг анъанавий шакли – сотиш орқали алмаштириш ўзининг устуворлигини сақлаб қолади.

Тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлаш. Афсуски, ахборот манбаларининг очиқлиги омили ҳозирги адабиётларда тадқиқ этилмаган. У ёки бу ахборотни олиш учун ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас, деб ҳисоблансада, бироқ, аслида бундай тўсиқлар мавжуд. Энг аввало, ахборотларнинг очиқлиги омили ички фойдаланувчилар билан бир қаторда, кўпроқ ташқи таҳлилчилар учун тааллуқли ҳисобланади. Агар ички таҳлилчиларга корхона директори, молиявий директори, молия хизмати ходимлари, акциядорлар ва инвесторларни киритиш мумкин бўлса, ташқи аудиторларга солиқ инспекцияси ва бюджетдан ташқари фондлар, банклар, статистика идоралари, мол етказиб берувчи ва харидорлар, шунингдек, ҳамкорлар ва рақобатчиларни киритиш мумкин. Таҳлил қилиш учун корхона маълумотларининг ҳамма базасига реал кириш имкониятига одатда молиявий директор ва молиявий хизмат ходимлари, ташқи фойдаланувчилардан эса – аудиторлар эга бўлиб, айна пайтда уларда ҳар қандай вақт даври учун аналитик ҳисоботларни тузиш учун барча зарур ахборот тўлиқ ҳажмда мавжуд бўлади.

Ўз навбатида, чораклик (йиллик) ҳисоботлардан фойдаланувчилар доираси солиқ инспекцияси, банклар, статистика органлари ва акциядорлар ҳисобига сезиларли равишда кенгайиб боради, ахборот ҳажми эса аксинча бир неча барабар қисқаради.

Агар бухгалтерия баланси очиқ матбуотда эълон қилинган, корхона сайтида намоён этилган ёки акциядорлар йиғилиши учун материаллар мажмуига кирса, ёки контрагентларга ўрганиш учун тақдим этилса, кредит олиш учун бошқа ҳужжатлар билан банкка берилса, у ҳолда ахборот ҳажмининг кескин қисқаришига қарамасдан таҳлилчилар сони сезиларли даражада ортади. Бундан кўринадики, ахборотнинг очиқлиги ахборот ҳажмининг ўзи ҳамда ундан фойдаланувчилар доирасига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Шунга кўра, ахборотнинг очиқлик даражаси қанчалик ошиб борса, ундаги маълумотлар шунчалик қисқариб боради¹⁸².

Тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлашнинг яна бир амалий шакли – бу “Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси”нинг ишлаб чиқилиши ҳисобланади.

Ҳозирда мамлакатимизнинг турли худудларида у қадар йирик бўлмасада, лекин ўз бизнесини бошлаш учун етарли маблағга эга бўлган потенциал тадбиркорлар мавжуд. Улардаги асосий муаммо – ўз капиталини қайси соҳа ёки фаолият турига киритишни тўғри ҳал этишдан иборат. Чунки, тадбиркор имкон қадар юқори рентабелли фаолият билан шуғулланишни хоҳлайди, бироқ бу борада аниқ ва етарли ахборот олишнинг имкони мавжуд эмас.

Юқорида кўриб чиқилганидек, тадбиркорлар томонидан муайян тармоқ ёки иқтисодий фаолият турлари, улардаги муайян маҳсулот (иш, хизмат) бўйича иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар, жумладан, ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх, уларнинг таркибига кирувчи ресурслар нархи, рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотларни олиш имконияти мавжуд эмас. Бу эса уларнинг ўз бизнес фаолият йўналишларини танлаш имкониятларини чеклаб қўяди. Натижада, тадбиркорлик капиталининг муваффақиятли жойлашуви ва ишга туширилиши кечикади.

Шунга кўра, “Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси” механизмини йўлга қўйиш муҳим бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

¹⁸² Анализ финансово-экономического состояния предприятия в современных условиях: особенности, недостатки и пути решения // [Менеджмент в России и за рубежом](https://dis.ru/library/557/26150/). №5, 2006. - <https://dis.ru/library/557/26150/>

- ҳар бир тармоқ вазирлиги ёки бошқарув идораси ўз бошқарувидаги тармоқ ёки соҳада мақбул даражадаги соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш учун зарур бўлган кичик бизнес субъектларининг ҳудудлар кесимидаги тахминий салмоғини (имкони бўлса сонини ҳам) белгилайди;

- ҳар бир ҳудуддаги тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган идоралар (маҳаллий ҳокимият, ССП, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва бошқалар) шаҳар ёки туман бўйича бизнес фаолият харитасини ишлаб чиқади. Мазкур харитада шаҳар ёки туман ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг иқтисодий фаолият тури бўйича жойлашуви ва концентрацияси ифодаланган бўлади;

- иқтисодий фаолият турлари бўйича яқин истиқбол (1-6 ой) да ўзгариши мумкин бўлган конъюнктура ифодаланади.

Бундай “Ҳудуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси”нинг маҳаллий теле- ва мобил иловасининг ишлаб чиқилиши ҳамда уларда тегишли маълумотларнинг бериб борилиши тадбиркорлар учун ўзига хос “маёқ” вазифасини ўтайди. Яъни, тадбиркорлар маҳаллий ҳудуд ва тармоқ кесимидаги микробизнес иқлимнинг ўзгариши, ўз бизнесларини йўналтириш бўйича фойдали маълумотларга эга бўладилар.

Ҳар бир тармоқдаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда иқтисодий шарт-шароитларнинг тенглиги учун имконият яратиш. Маълумки, кичик бизнеснинг заиф жиҳатларидан бири – бу уларнинг хомашё ва материаллар, моддий-техника воситаларининг бевосита ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик имкониятларининг чекланганлиги ҳисобланади. Чунки, бундай воситаларнинг етказиб берувчилари одатда йирик ишлаб чиқарувчилар ёки улгуржи савдо ташкилотлари билан ҳамкорликни афзал кўради.

Шунга кўра, кўпинча хомашё ва материаллар, моддий-техника воситаларининг йирик етказиб берувчилари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан нарх бўйича камситиш (дискриминация) дастаклари қўлланилади. Жумладан, товар хомашё биржалари ва бошқа электрон савдоларда ҳам кўпинча йирик ишлаб чиқарувчилар манфаатларининг устуворлиги кузатилади.

Айниқса, молиявий сектор, хусусан, банк-кредит ташкилотларида йирик ишлаб чиқарувчилар учун алоҳида шарт-шароитлар тақдим этилади.

Шунга кўра, умумий ҳолда, ихтиёрида нисбатан аҳамиятсиз ҳажмдаги маблағга эга бўлган иқтисодий субъектларнинг ҳам ўз фаолиятини йирик ишлаб чиқарувчилар учун яратилган шарт-шароитларга яқин шартларда амалга ошириш имкониятини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бозор механизмларининг тўғри ишламаслиги, субъектив сабабларга кўра иқтисодий ресурсларнинг ноўрин сарфланиши, хўжасизлик ва турғунлик ҳолатларининг келиб чиқишининг олдини олиш ва бартараф этиш. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича оқилона ихтисослашувига бозор механизмларининг тўғри ишламаслиги тўсқинлик қилиши мумкин. Ҳозирги шароитда мамлакатимизда расман режали иқтисодиётдан воз кечиб, бозор иқтисодиёти тизимида қадам қўйилган бўлсада, айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра бозор механизмларининг тўлиқ ва самарали ишлашини таъминлаш қийин кечмоқда. Жумладан, бундай сабаблар қаторига монополистик тузилмалар фаолияти, пинҳона иқтисодиёт таъсири, иқтисодий фаолиятни регламентловчи жиҳатларнинг ўзаро мувофиқ эмаслиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Монополистик тузилмалар деярли ҳар бир иқтисодиётда учрайди. Бироқ бу ўринда улар фаолиятининг бошқа иқтисодий субъектлар фаолиятига салбий таъсири даражаси муҳим ҳисобланади. Айрим ҳолларда монополистик тузилмалар нафақат соғлом рақобатни ёки иқтисодий шароитларнинг тенглдигини чеклаш, балки тўғридан-тўғри бошқа иқтисодий субъектлар фаолиятини “бўғиб қўйиш” гача бориши мумкин. Масалан,

бутун бошли тармоқни эгаллаш ҳамда унда хусусий секторга берилиши самарали бўлган жараёнларни ҳам ўз измида ушлаб туриш бунинг яққол намунаси.

“Яширин иқтисодиёт, хуфий иқтисодиёт – иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари. Яширин иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол жараёнлари – иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизда айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи манфаатлари ётади. Яширин иқтисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

Яширин иқтисодиёт мақсади, фаолияти ва иқтисодий-ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади: 1) жиноий иқтисодий фаолият; 2) ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб ўзлаштириб олиш; 3) иккиламчи иқтисодиёт; 4) расман рухсат этилган фаолият билан бирга қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равишда ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш; 5) мансабни суистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар; 6) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият”¹⁸³.

Масалан, кичик тадбиркорлик фаолиятида ижтимоий ажратмалардан қочиш ишловчиларни норасмий тарзда ишлатилишига олиб келади.

Регламентловчи жиҳатларнинг ўзаро мувофиқ эмаслиги – ўтиш иқтисодиёти ва бу ислохотлар давом этаётган давр учун хос. Масалан, Солиқ кодексининг ўзгариши бир қатор зиддиятли жиҳатларни келтириб чиқарди.

Субъектив сабабларга кўра иқтисодий ресурсларнинг ноўрин сарфланиши ҳам барқарор тизимнинг тўлиқ шаклланишига оқибати ҳисобланади. Жадал ислохотлар даврида “зудлик билан натижа олиш”га ҳаракат қилиш иқтисодий фаолият занжиридаги бўғинларнинг изчил ва тўлиқ шакллантирмасдан туриб, нисбатан кейинги бўғинлар таъсирига берилиш оқибатида пайдо бўлади. Масалан, ўтган йилларда мамлакатимизда қалампирнинг катта экспорти ваъда қилиниб, юзлаб тадбиркорлар ушбу маҳсулот турини етиштиришди. Бироқ, экспорт жараёнларига тайёр эмаслик оқибатида ушбу маҳсулотларнинг катта қисми нобуд бўлиб, тадбиркорлар анча катта зарар кўришди.

Хўжасизлик ва турғунлик ҳолатларининг келиб чиқишининг олдини олиш ва бартараф этиш. Хўжасизлик – бу иқтисодий ресурслар ҳамда иқтисодий фаолият натижаларини эҳтиёт қилмаслик, уларни ташқи таъсирлардан талаб даражасида сақламаслик, улардан тежаб-тергамай фойдаланиш, исрофгарчиликка ҳамда нес-нобуд бўлишига йўл қўйиш. Хўжасизлик аломатлари иқтисодий ресурсларга мулккий эгалик ҳамда моддий манфаатдорлик йўқолган ёки пасайган ҳолатларда вужудга келади. Айниқса, давлат мулки ва ижтимоий мулкнинг бошқа шаклларида хўжасизлик даражаси ўта кучли бўлади.

Турғунлик ҳолати – бу тадбиркорнинг қандайдир ташаббус билан чиқиш, ҳаракатга ундовчи мотивнинг йўқолиши оқибатида маълум муддат ҳаракатсиз туриб қолиши. Бундай кайфият вақти-вақти билан иқтисодиётдаги пасайиш ва ўзгаришларнинг кутилиши даврида пайдо бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Кичик бизнес корхоналарини тармоқ бўйича ихтисослашуви жараёнларини тартибга солиш қўйидаги чора-тадбирларни кўзда тутари: - кичик бизнес фаолияти турини танлаш эркинлигини таъминлаш; - тадбиркорлик капиталининг тармоқлараро ҳаракатининг эркинлигини таъминлаш; - тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва

¹⁸³ Яширин иқтисодиёт. - <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ya/yashirin-iqtisodiyot-uz/>

молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлаш; - ҳар бир тармоқдаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда иқтисодий шарт-шароитларнинг тенглиги учун имконият яратиш; - бозор механизмларининг тўғри ишламаслиги, субъектив сабабларга кўра иқтисодий ресурсларнинг ноўрин сарфланиши, хўжасизлик ва турғунлик ҳолатларининг келиб чиқишининг олдини олиш ва бартараф этиш ва бошқалар

Бизнес фаолият турини ўзгартиришнинг асосий шаклларида бири бизнесни сотиш орқали алмаштириш ҳисобланади. Мазкур жараённинг самарали амалга оширилиши учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

Биринчидан, томонларнинг бизнесни олди-сотди жараёнида ўзаро ишонч ҳосил қилишлари учун кафиллик институти фаолиятининг йўлга қўйилиши;

Иккинчидан, сотиш мўлжалланган бизнес фаолиятлари (корхоналар) банкни ташкил этиш;

Учинчидан, номувофиқликларни тартибга солиш хизматини йўлга қўйиш.

Тўртинчидан,- бизнес фаолиятни бевосита сотиб олиш ва сотиш.

Бу қайд этилган жараёнларнинг аксарият қисми тижорат тавсифига эга бўлганлиги сабабли, уларнинг барчаси Давлат активларини бошқариш қўмитаси билан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган тузилма томонидан амалга оширилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини тармоқ бўйича ихтисослашуви жараёнларини тартибга солиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг маромийлигини таъминлашга имкон яратади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Антонюк В.С., Капкаева Э.Р. (2010) Инициация структурных сдвигов как элемент региональной отраслевой политики // Региональная экономика. Вестник ЮУрГУ, №20, – С. 4-13.

Казинец Л.С. (1981) Темпы роста структурные сдвиги в экономике. (Показатели планирования и статистики) / Л.С.Казинец. – М.: Экономика.

Қонун (2012) Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 02.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/31846>

Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б. (1998) Современный экономический словарь / - 2-е изд., испр. - Москва : Изд. дом "ИНФРА-М", - 476 с.